

* 6-мавзу. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ва унинг тарихий аҳамияти.

* Режа.

- * 1. Мустақиллик арафасида республикадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол. Ўзликни англашга интилишнинг кучайиши.
- * 2. Сиёсий тизимдаги ўзгаришлар. Мустақилликнинг эълон қилиниши. Ўзбекистон Республикасининг ташкил этилиши.
- * 3. Мустақилликнинг илк даврида давлат суверенитетини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар.



МУСТАҚИЛЛИК АРАФИСИДА. ТАРИХИЙ СЎЗЛАР. 1991 йил, 31 август



1. Мустақиллик арафасида республикадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол. Ўзликни англашга интилишнинг кучайиши.

- * Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водо провод билан, салкам 50 фоизи ичимлик сув билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганди, холос.
- * Бой табиий бойликларга, унумдор ерга эга бўлсада, унга эгалик қила олмас эди. Масалан, пахта толаси ва қоракўлнинг 90 фоизи, табиий жуннинг 71 фоизи, синтетик толанинг 93 фоизи, пилла ва чармнинг анчагина қисми арзимас баҳо билан республикадан олиб кетиларди.
- * Ерга нима экиш марказдан белгиланар, пахта якка хокимлиги юқоридан тиқиштирилган эди. Республика раҳбарияти ва халқи қанча табиий ресурслар қазиб олинаётганини, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, пахтани кимдир олиб кетиб, қайсидир нархда кимгадир сотаётганини, бундан қанча даромад келаётганини билмас эди. “Пахта толаси белгилаб қўйилган паст нархларда Ўзбекистондан ташқарига жўнатилди... Пахта етиштиришда меҳнатнинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушмоқда ва уни қайта ишлашдан келадиган даромаднинг атиги 16 фоизи бизга тегмоқда.

* Ҳалқимизга боқимандасизлар, сизларни биз боқяпмиз, деб тана қилинар эди. халқимиз маънавий асоратга солинган эди. Тилимиз, динимиз, миллий қадриятларимиз топталди. Тарихий ёрдоғоликлар, мадрасалар, масжидлар ёпилди. Машҳур алломаларимиз қораланди, китоблари йўқотилди. Элнинг илмли кишилари қувғин остига олинди, қатағон қилинди. Биз мустақилликнигина эмас, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик.

* Ҳаттоки минг йилликлардан буён нишонланиб келинган “Наврўз” умумхалқ байрамини республикада нишонлаш 1986 йилга келиб тақиқланди. Бу байрамни нишонлашга орадан 4 йил ўтибгина яъни 1989 йилда рухсат берилди.

Мустақилликка ҳаракат даврида маънавият

- * 80-йиллар ўрталаридан қайта қуриш туфайли театрда реал ҳаётга муурожаат қилиш ҳоллари кўрина бошлади;
- * Шукрулло, Саид Аҳмад, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимовларнинг асарларида маъмурий-буйруқбозлик даврида республикада пайдо бўлган носоғлом муҳитни ёритишга кенг ўрин берилди;
- * 1986-1990 йилларда Ўзбекистон миллий маданиятининг ривожланишида маълум силжишларга эришилди;
- * 80-йиллар ўрталарида Наврўз миллий байрами ва исломга қарши расмий ҳаракатлар мисолида яққол кўринди.

80-йилларнинг 2-ярмида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий воқелик жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини оширди

Академик Эркин Юсупов (1928-2003) публицистик мақолаларида марказ ўйинларини очиб берди

80-йиллар ўрталаридан вазият ўзгарди. А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, М.Шайхзодаларнинг миллатчилик, панисломизм ва пантуркизмда айбланиб, қатағон қилинганликлари очиб ташланди

30-40-йиллар ва 50-йиллар бошларида сиёсий қатағон қилиниб қатл этилган ва қамоқларга ташланган халқимизнинг асл фарзандлари оқланди. «Чигатой гурунги», «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол», «Ботир гапчилар» сингари «аксилинқилобий гуруҳлар» вакиллари оқланди

1937 -1939 йилларда қамоққа олиниб отиб ташланган 6920 та зиёлининг қатағон қисмати ўрганилди

1989 йил 20 октабрда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақида ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий советлари депутатлари сайлови ҳақида қонунлар қабул қилинди

1990-йил июнида ўтган Олий Кенгашнинг 2-сессияси республика Президенти И. Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция яратиш комиссиясини тузди

80-йиллардаги «этник омил» республикаларнинг Марказдан қочиш сиёсатиға, сўнгра СССР парчаланиб кетишиға олиб келди

1985-1991 йиллар ўзбекларнинг руҳиятида жиддий силжишлар, миллий онг, демократия, кўппартиявийлик тизими шаклланиши даври бўлиб тарихға кирди

Мустабид тизимдан қолган оғир мерос



* СССРда Фавқулодда ҳолат бўйича давлат қўмитаси (ГКЧП) СССРда 1991 йил 18 августдан 21 августгача мавжуд бўлган ўзини ўзи эълон қилган ҳокимиятдир. Унинг таркибига Совет ҳукуматининг бир қатор юқори мартабали амалдорлари кирган. ГКЧП аъзолари СССР Президенти М. С. Горбачёв томонидан олиб борилаётган қайта қуриш сиёсатига, шунингдек, янги иттифоқ шартномасининг имзоланишига ва СССРни суверен давлатлар конфедерал иттифоқига айлантирилишига қарши чиқдилар. ГКЧПнинг асосий рақиблири РСФСР Президенти Б. Н. Елцин тарафдорлари бўлиб, улар Қўмита аъзоларининг ҳаракатларини конституцияга зид деб эълон қилдилар. ГКЧП мағлубиятга учрагач, ўз-ўзини тарқатиб юборгач, уларнинг хатти-ҳаракатлари СССР, РСФСР ва бошқа бир қатор иттифоқ республикаларининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қораланиб, давлат тўнтариши сифатида квалификация қилинди. Тарихшуносликда 1991 йил 18-21 август воқеалари “август зарбаси” деб аталган.





ГКЧП аъзолари

- * Янаев Геннадий Иванович (1937-2010) - СССР вице-президенти (1991 йил 4 сентябр), СССР Президенти вазифасини бажарувчи (1991 йил 19-21 август), КПСС Марказий Қўмитаси аъзоси.
- * Бакланов Олег Дмитриевич (1932-2021) - СССР Мудофаа кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (1991 йил 1 октябр), КПСС Марказий Қўмитаси аъзоси.
- * Крючков Владимир Александрович (1924-2007) - СССР КГБ раиси (1991 йил 28 август), КПСС Марказий Қўмитаси аъзоси.
- * Павлов Валентин Сергеевич (1937-2003) - СССР Бош вазири (1991 йил 28 август), КПСС Марказий Қўмитаси аъзоси.
- * Пуго Борис Карлович (1937-1991) - СССР Ички ишлар вазири, КПСС Марказий Қўмитаси аъзоси (1991 йил 22 августда вафот етгунга қадар).
- * Стародубцев Василий Александрович (1931-2011) - СССР Деҳқонлар иттифоқи раиси, КПСС Марказий Қўмитаси аъзоси.
- * Тизяков Александр Иванович (1926-2019) - СССР давлат корхоналари ва саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа объектлари уюшмаси президенти.
- * Язов Дмитрий Тимофеевич (1924-2020) - СССР Мудофаа вазири (1991 йил 28 август), КПСС Марказий Қўмитаси аъзоси.

Пресс-конференция ГКЧП в СССР ТИВ,
19 август, 1991



2. Сиёсий тизимдаги ўзгаришлар. Мустақилликнинг эълон қилиниши. Ўзбекистон Республикасининг ташкил этилиши.

- * 80-йиллар охирида республика ижтимоий ҳаётда жонланиш бошланди. Одамлар хилма-хил фикрлар билдириш имкониятига эга бўла бошладилар. Ўзбек халқининг дилидаги ғоя мустақиллик ғояси эди, халқ ана шу ғояни кўтарди.
- * И. Каримов халқ хоҳиш-иродасини бажариб, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ишига бошчилик қилди. 1989 йил 21 октябрда Республика Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида қонун қабул қилди. Қонуннинг 1-моддасининг 1-қисмида “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”, деб ёзиб қўйилди. Шундай қилиб, ўзбек тили давлат тили мақомини олди. Сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзбек тили тўла амал қилиши қонунлаштирилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақиллик сари ташлаган биринчи қадами бўлди.

- * 1990 йил 24 мартдаги Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозими таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Президент лавозимининг таъсис этилиши мустақиллик учун курашидаги навбатдаги қадам бўлди. Республиканинг биринчи Президенти И.А.Каримов Президент вазифасига тўхталиб, бундай деди: 1. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш...
- * 2. Президент бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир...
- * 3. Меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш республиканинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиладиган вазифадир...
- * 4. Президент фаолиятининг, республика партия, совет, давлат ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилдир...
- * 5. Юқорида қайд этилган вазифаларни фақат демократияни, ҳуқуққа асосланган давлат қурилишини ривожлантириб, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаб ва ниҳоят, республиканинг миллий ижтимоий тараққиёти йўлида барча соғлом кучларни бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин

1990 йил 20 июнь санаси ҳам мустақилликка эришиш йўлида муҳим ўрин тутади. Айнан 20 июнда бўлган Ўзбекистон ССР Олий Совети ўн иккинчи чақириқ 2-сессиясида Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди.

- * Ўзбекистон раҳбарияти ва халқнинг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганлигини 1991 йил 17 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларида ҳам яққол кўриш мумкин. Референдумда Ўзбекистон халқнинг мутлоқ кўпчилигида Ўзбекистонни мустақил республика сифатида кўриш хоҳиши борлигининг ўзиёқ республика раҳбариятининг бу борадаги дадил куч-ғайратини қўллаб-қувватлаш ифодаси эди.

Мустақилликнинг илк даврида давлат суверенитетини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар.

Республика Олий Кенгаши 1991 йил 26 август куни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди.

- * Ўзбекистон компартияси Марказий Қўмитасининг 1991 йил 28 августда бўлган Пленуми Республика компартиясининг КПСС МК билан ҳар қандай аҳлоқасини тўтатишга, КПСС нинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг Марказий органларидаги ўз вакилларини чақириб олишга қарор қилди.
- * Ана шундай вазиятда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизгин муҳокама қилинди.

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

* Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади.

* 1-модда.

* Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир.

* 2-модда.

* Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

* 3-модда.

* Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

* 4-модда.

* Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартириши мумкин эмас.

* 6-модда.

* Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга.

* Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

* 7-модда.

* Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

* Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

* 8-модда.

* Давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

* 11-модда.

Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли.

* 12-модда.

* Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинадиган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

* 13-модда.

* Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

* 14-модда.

* Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларини, айирбошланадиган валютани сотади ва сотиб олади.

* 15-модда.

* Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилади.

* Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.

* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўладилар.

* 16-модда.

* Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

* Олий кенгаш сессияси «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгиланиб, 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди.

* 1991 йил охирида Ўзбекистон ҳаётида улкан тарихий воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» қонун қабул қилинди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб ёши 35 дан кам бўлмаган ва 65 дан кам бўлмаган, сайланиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкинлиги, Ўзбекистон Президенти 5 йил муддатга сайланиши, бир фуқаронинг ўзи-кетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Президенти бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. 1991 йил 29 декабрда халқимиз узок йиллик мустамлакачиликдан сўнг том маонодаги мустақиллик рамзи сифатида биринчи бор умумхалқ ҳошиш-иродаси билан мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муқобиллик асосида ўтди. Олий лавозимга икки номзод – Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси номзоди И.А.Каримов ва «Эрк» Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди қўйилди.

- * Мустақилликка эришиш йўлидаги биринчи ҳуқуқий қадам – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишидир.
- * Мустақилликка эришиш йўлидаги иккинчи ҳуқуқий қадам – Президентлик институти таъсис этилиши ва янги давлат рамзларини тайёрлаш бўйича комиссия тузилиши билан боғлиқ.
- * Мустақилликка эришиш йўлидаги учинчи ҳуқуқий қадам – “Мустақиллик декларацияси”нинг эълон қилинишидир.
- * Мустақилликка эришиш йўлидаги тўртинчи ҳуқуқий қадам – Конституциявий комиссиянинг ташкил этилишига бориб тақалади.
- * Мустақилликка эришиш йўлидаги бешинчи ҳуқуқий қадам – Биринчи Президентимизнинг Ҳиндистонга 1991 йилги ташрифи билан чамбарчас боғлиқ.
- * Айтиш керакки, Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 1991 йил 17-19 август кунлари “Ҳиндистон Республикасига расмий ташрифи Ўзбекистон Президентининг хорижга қилган биринчи мустақил – тарихий ташрифи эди”. Юртбошимиз Ҳиндистонда бўлган бир пайтда – 19 август куни узини “Давлат фавқулодда ҳолат қўмитаси”, яъни ГКЧП деб атаган бир гуруҳ сиёсий авантюристларнинг давлат тўнтаришини содир этишга қаратилган мурожаати эълон қилинди.
- * Афсуски, Ўзбекистон раҳбарининг сафарда эканидан фойдаланиб, ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлайдиган раҳбарлар юртимизда ҳам топилди. Тарих буни яхши эслайди.

- * олтинчи ҳуқуқий қадам – Давлат мустақиллигининг эълон қилинишидир.
- * Мамлакатимиз раҳбарининг 1991 йил 31 августда, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида 1 сентябрь куни республикада Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилинди.
- * Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ги конституциявий қонун қабул қилинди. Ундан бўлажак Конституциянинг ўзак қоидаларини ўзида акс эттирган бир қатор муҳим моддалар жой олди. Жумладан, мазкур Қонунга мувофиқ:
- * “Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди” (3-модда);

- * "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси Давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади" (5-модда).
- * Бу Конституциявий қонун Асосий Қонунимиз қабул қилингунига қадар, яъни 1992 йил 8 декабргача биз учун кичик Конституция вазифасини бажариб турди.
- * Еттинчи ҳуқуқий қадам – 1991 йил 29 декабрда Президент сайлови ва Давлат мустақиллиги туғрисидаги референдумнинг ўтказилишига тааллуқли.

**Советлар
империясининг
таназзулга юз
тутиш
сабаблари**